SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 21-IYUN ■ SHANBA ■ 74 (27.094) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Илғор технология — тараққиёт қаноти

ЗАРАФШОН. *Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармаси кўп тармоқли саноат корхоналаридан бири. Унинг фаолият доирасига уран, олтин каби ноёб металлар, фосфоритлар ва қурилиш материалларини қидириш ҳамда қазиб олиш ишлари киради. Корхонанинг замонавий кон-шахта воситалари билан таъминланганлиги, бурғулаш, геологик қидирув, қурилиш сингари технологик жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги эришаётган ютуқларда катта омил бўлмоқда. Айниқса, қидирув-разведка ишлари, маъдан қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан тортиб то уран оксиди ҳамда чала оксидли соф олтин олишгача бўлган юмушлар кўлами кенгайиб бораяпти. Бу ишлар асосан 2-гидрометаллургия заводи ва «Мурунтау» кони ишчи-хизматчилари зиммасида. Жумладан, 2-гидрометаллургия заводида шу йилнинг май ойида таъмирлаш ишлари тугади. Натижада бир йилда 28 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга йигирма еттита блок ишга туширилди.*

Бошқармада шу йилнинг беш ойи мобайнида маъдан қайта ишлаб чиқариш топшириғи бир юзу олти, тилла ишлаб чиқариш режаси бир юзу беш фоиз уддаланди.

— Ишимизнинг унуми ва корхонамиз тараққиётига замонавий илғор технология қанот бағишлаяпти, — дейди «Мурунтау» кони лаборанти Жамила Ибраева. — Кондаги барча ишлар тўла автоматлаштирилди. Катта-кичик ҳар бир участкада бажарилаётган юмушларни эндиликда компьютерлар ёрдамида бошқараяпмиз...

Суратларда: *тажрибали лаборант Жамила Ибраева; тайёр маҳсулотлар намунаси; карьерда иш қизғин; корхона бошқарув пульти.*

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОРИЖИЙ САРМОЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁР ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори сифатли рақобатбардош тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, хўжалик тузилмалари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқласинлар ҳамда имтиёзларни қўллаш ва бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюджетига ундириб олинади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган жарима жазолари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 20 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Г.Б.Измайловани «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш, бой маданий меросимизни дунёга танитиш, ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ўзбекистон халқ артисти Галия Баязитовна Измайлова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 19 июнь

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ ТУҲФАСИ

Японияниинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари Андижонга келдилар. Улар Япония грантларини олишга мушарраф бўлган Андижон вилоятидаги 5 та мактабда ўтказилган тақдимот маросимида қатнашдилар. Андижон шаҳридаги 2-мактаб 80 минг АҚШ долларига тенг грант эвазига энг замонавий жиҳозлар билан тўлдирилди. Компьютер синфлари, тикувчилик хоналари ташкил этилди. Олтинкўл туманидаги 22, Балиқчи туманидаги 39, Марҳамат туманидаги 42, Асака туманидаги 1-мактабларга ҳам Кунчиқар мамлакат туҳфасини Япония элчихонаси маслаҳатчиси Имохаши Хироюки топширди. Жаноб маслаҳатчини Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Луқмонов қабул қилди.

Япония элчихонаси вакиллари Андижоннинг диққатга сазовор жойларини кўрдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЯПОН

Сенинг амалингга қойилдир жаҳон,
Бургани тақалаб қўйгайсан осон.
Нозик санъатингга тикилавериб,
Кўзларим қисилиб кетди-ку, япон.

Абдулла ОРИПОВ,
Киото шаҳри.
18 июнь 2003 йил
(телефон орқали)

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган мазкур сессияда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси ва болалар спортини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йил мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилингани маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлгани таъкидланди.

Бугунги кунда пойтахтимиз маҳаллаларида бу борада муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2003 йил 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиб, ундан тушган маблағ «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказилди. Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, йўлларни, электр ва алоқа тармоқларини таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Шаҳар маҳаллаларида ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик ривожлантирилаётир, турли маиший шаҳобчалар, янги иш ўринлари очилаётир.

Болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори асосида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, жамғарманинг ҳомийлик кенгаши ва таркиби ташкил этилди.

Туман ҳокимликлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳомий ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда пойтахтимизда болалар спортини ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Ҳозир бу борадаги барча ишлар Юртбошимиз 4 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ўртага қўйган вазифалар асосида амалга оширилмоқда.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

КУЛОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Голландиянинг Гауда шаҳрида XXVII халқаро кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан 140га яқин вакил қатнашди.

1976 йилда ташкил этилган бу кўргазма сўнгги йиллар давомида Голландияда энг нуфузли кўриклар мақомига эга бўлди. Илгарилари мазкур тадбирларда фақат маҳаллий усталар маҳсулотлари намойиш этилган. Сўнгги йилларда эса бу анжуман кулолчиларнинг халқаро учрашувига айланди. Хусусан, жорий йили унда тошкентлик Назира Қўзиева ва самарқандлик Худойберди Хақбердиевлар ўзларининг бетакрор санъат намуналари билан қатнашишди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан кўргазма директори жаноб Кис Слингерланд Ўзбекистон иштироки бу кўргазмага ўзгача жозиба бахш этганини таъкидлади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ягона вакили экани ҳам унинг эътиборидан четда қолмади.

— Бундай кўргазма ва тақдимотлар ёрдамида сизнинг маданиятингиз Нидерландияда кенг танилади. Мамлакатингизнинг Голландия ва бутун Европада катта шуҳрат қозонишини хоҳлардим. Ўтган йили шу ерда самарқандлик усталарнинг терракота услубида ясалган сопол туясини харид қилган эдим. Ушбу мўъжазгина ёдгорлик менга доим Ўзбекистонни эслатиб туради, — деди Утрет шаҳри кулолчилик санъати ўқув юрти мутахассиси Имеке ван Влиет.

Бу йилги тадбирда Германия мезбон мамлакат ролини бажарди. Ўтган йилларда Испания, Франция, Бельгия каби давлатлар унга бошчилик қилган. Сўнгги учрашувда эса ташкилотчилар келажакда Ўзбекистонни ҳам кўргазма мезбони сифатида таклиф этиш ниятлари борлигини маълум қилишди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

● КАСБИМ — ФАХРИМ

ИЖОДНИ ИЗЛАНИШ БЕЛГИЛАЙДИ

Асли Касби туманидаги кулоллар сулоласи давомчиси бўлган Баҳодир Ниёзов бир қолипдан чиққан асарларни жини суймайди. Ҳар доим изланишда. Айниқса, ўтган асрларда яшаган кулоллар тажрибасини ўрганишга жиддий киришган.

— Кулол ясаган буюмнинг шакли кўп нарсани: биринчидан, ҳудуднинг табиатини, ўша атрофда яшовчи аҳолининг касб-корини белгиласа, иккинчидан кулолнинг дидини ҳам белгилайди. Буюмнинг шаклига қараб, тоғолди ҳудудида ясалганини ёки бўлмаса чўл ҳудудида яшовчи кулол ясаганини билиш мумкин. Мен кулолликни санъат деб биламан, ўз усулим, йўналишим бўлишини истайман. Шунга астойдил ҳаракат қилаяпман, — дейди Баҳодир Ниёзов.

«Ҳунарманд» вилоят уюшмасига раҳбарлик қилаётган Баҳодир Ниёзов ўнлаб ёшларга устоз ҳам саналади. У ҳозир махсус лойлардан тайёрланган кулол идишларини замонавий дизайн асосида ясашни йўлга қўйиш учун изланмоқда

❖❖❖

Суратларда: кулол Баҳодир Ниёзов; кулолчилик буюмлари.



Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

● ҒАЛЛА — 2003

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН

Термиз тумани ғаллакорлари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, давлат шартномавий режасини бажардилар. Мавжуд 4434 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан ўртача 44 центнердан бошоқли дон йиғиштириб олинди. 12318 тонна ҳосилнинг 650 тоннасини уруғлик сара дон ташкил этди.

Ушбу меҳнат зафарига тумандаги «Дўстлик», «Янгиарик», «Янгиҳаёт», «Намуна», «Халқобод» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бирида гектар бошига 44-48 центнердан ҳосил олинди. Юксак хирмон яратиш йўлида мавжуд 366 та оилавий пудратчи ва 114 та фермер хўжаликлари, хусусан «Морсехон», «Анвар ЛТД», «Ражаб бобо», «Равшан», «Яздурди бобо» номли ўнлаб жамоалар фидокорона меҳнат қилдилар.

Эркин ХОЛБОБО

НУКУСДА ЯНА БИР ОЛИЙГОҲ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 июндаги «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори асосида очилган ушбу олийгоҳ қишлоқ хўжалиги учун етук мутахассислар тайёрлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ҳукумат қарорида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлашни кучайтириш кўзда тутилган. Ушбу билим даргоҳи айнан шу вазифани амалга оширишга кўмаклашади.

Янги олийгоҳ талабалари учун замонавий ўқув биноси, спорт зали ажратилди. Бу ерда агромуҳандислик, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси, зоотехник мутахассислар тайёрланади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

● КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ёки парламент ислоҳотлари ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳақида

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси ер юзи бўйлаб кенг тарқалди. Европада XVI асрда нашр этилган Аристотелнинг «Сиёсат» асари учун битилган шарҳлардан сўнг бу тушунча дастлаб фаранцуз тилида қўлланиши одатдаги ҳол бўлиб қолди. Баъзилар бу тушунчани «фуқаролик жамияти» ва «сиёсий жамият» ўртасидаги фарқни кўрсатиб бериш учун қўлласалар, бошқалар «фуқаролик жамияти»ни давлатга қарама-қарши ҳодиса сифатида талқин қиладилар.

Фуқаролик жамияти жамиятнинг энг юқори шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли «уюшмалар»нинг таркибий қисмлари (оила, корпорация кабилар)ни қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланади. Бунда ҳар бир киши ўзи учун фаровонлик, яхши ҳаёт тамойилини топиши мумкин. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу ғоя 80-йилларда авж олган демократиялаштириш жараёни натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади. У тоталитар давлатларга қарамақарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилинади.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратади. Унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради.

Машҳур ғарб олими Флипп Шмиттер фуқаролик жамиятининг қуйидаги муҳим сифатларини ажратиб кўрсатган эди:

- шахснинг аҳоли алоҳида гуруҳлари ва давлатдан мустақиллиги;
- аввало, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси — жамоат ташкилотлари. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу — нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир.

- ташкилий яхлитлик, бир бутунлик;
- давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларга асосланган «корпоративлик»;
- либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса;
- автократиянинг деспотик куч сифатида (демократик натижалар асосида) заифлашуви.

Фуқаролик жамияти ғоясида капитализм ва демократиялаштириш жараёни ўртасидаги ўзига хос алоқадорликнинг мавжудлиги сезилади. Бу алоқадорлик миллий бойликни яратиш ва уни тақсимлашда ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, иқтисоднинг ривожланиши демократиянинг яшаши учун ижтимоий кенгликларни яратади.

Ҳозирги замон илғор мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

- шунингдек, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;
- ва ниҳоят, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар, кооператив-ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорациялар инобатга олинади.

Ижтимоий соҳада эса оила, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидаги ўзўзини бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётини мавжудлигига эътибор қаратилади.

Маънавий соҳада: сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан таъминланганлиги кўзда тутилади.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади.

Сўнгги шарт-шароитга кўра эса ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминланган бўлиши лозим.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўзўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатлари ташкил қилар экан.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Икки палатали парламентнинг шаклланиши нафақат уч ҳокимият тақсимланиши ва мустақиллигини таъминлайди, балки бу ҳокимиятларнинг бир-бирини назорат қилиши, бир-бирларининг олдида масъулиятга эга бўлишини, жамият фаровонлиги йўлида уларнинг ўзига хос ҳамкорлик қилишини таъминлайди. Шу билан бирга бу уч ҳокимиятнинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўта кучайиб кетишдан тийиб туриш учун бир-бирини «ушлаб туриш» функцияларини ҳам бажаради.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси — жамоат ташкилотлари. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу — нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакат тараққиёти тўғрисида сўзлар экан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсадларини қуйидагича ифодалайди: **«Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар мажмуаси руҳи ва ғояси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришга қаратилгандир. Айниқса, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги маърузасида фуқаролик жамияти қуришнинг ҳозирги даврдаги босқичлари ва тамойиллари кўрсатиб берилди. «Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа — у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан, жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар мажмуаси руҳи ва ғояси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришга қаратилгандир.

Мазкур сессияда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича «ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдига принципиал талаблар қўяди».

Бундан ташқари Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислоҳотлари натижасида давлат ва жамият институтларини бошқа йўналишларини замонавийлаштириш ва ислоҳ этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятлар пайдо бўлади. Аввалам-бор парламент ислоҳотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий табақалар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва ҳоҳиш-иродаларини ифодалаш спектри кенгайиб, бу турли-туман манфаатларни қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида келиштириш, уларни эътиборга олган ҳолда фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари яратилади.

Шунингдек, икки палатали парламентнинг шаклланиши нафақат уч ҳокимият тақсимланиши ва мустақиллигини таъминлайди, балки, бу ҳокимиятларнинг бир-бирини назорат қилиши, бир-бирларининг олдида масъулиятга эга бўлишини, жамият фаровонлиги йўлида уларнинг ўзига хос ҳамкорлик қилишини таъминлайди. Шу билан бирга бу уч ҳокимиятнинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўта кучайиб кетишдан тийиб туриш учун бир-бирини «ушлаб туриш» функцияларини ҳам бажаради.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
Қўчқор НОРҚОБИЛ

(Давоми бор.)

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

◆ **Ангрен шаҳар партия кенгаши** қошидаги «Ёш парламентчилар» клубининг навбатдаги машғулоти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг асосий қоидаларини ўрганишга бағишланди. Унда Ангрен шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б.Йўлдошев ва Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳи раиси Б.Ханаевлар иштирок этиб, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маъруза қилдилар.

◆ **Чортоқ туман партия кенгаши,** «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорлигида «Биз тинчликни истаймиз» мавзуида ёшлар ўртасида «давра суҳбатлари» ўтказилди.

ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

◆ **ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши** «Шаҳар куни»га бағишлаб ўтказилаётган «Энг яхши муаллиф қўшиғи» учун танловининг ўтказилишига ҳисса қўшди. Танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, фахрий ёрлиқ ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

◆ **ХДП Чуст туман кенгаши** аҳолининг сиёсий билимлари ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда демократик институтларни ривожланиши, уларнинг ҳуқуқлари, имкониятлари, вазифаларига бағишланган учрашув ва «давра суҳбатлари» уюштирди.

◆ **Ҳамза тумани партия кенгаши,** «Бинокор» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти негизида, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан «Аёл билан олам мунаввар» мавзуида тадбир ўтказди.

Унда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ш.Файзиев, бошланғич партия ташкилоти котиби Р.Юнусова, маҳалла оқсоқоли А.Абдусаматов ва бошқалар сўзга чиқиб, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тизимини жорий этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари тўғрисида сўз юритдилар.

◆ **Тўрақўрғон туман партия кенгаши** ва туман тиббиёт бўлими ҳамкорлигида «Шоҳанд» сиҳатгоҳида, тиббиёт тизимида хизмат қилаётган партия аъзолари ва хайрихоҳларга касб байрамлари муносабати билан тантанали тадбир уюштирилди. Бир гуруҳ тиббиётчи маслакдошларимизга эсдалик совғалари топширилди.

● БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАР МАСКАНИ

Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежида салкам 2000 нафар талаба таҳсил олмоқда. Коллежнинг ҳуқуқшунослик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хўжалик суди фаолияти, давлат автомобиль назорати ҳамда иш юритиш ва архившунослик бўлимларида мамлакатимиз учун етук мутахассислар тайёрланмоқда. Малакали ўқитувчилар бўлажак мутахассисларга ҳуқуқий фанлардан дарс бериш билан бирга, замонавий компьютер техникаси, ижтимоий-гуманитар фанлар сирларини ҳам ўргатишаяпти.

Коллежда асосий соҳалар бўйича ташкил этилган фан кабинетлари зарур ўқув воситалари билан жиҳозланган. Жумладан, барча хоналар компьютерлаштирилган, бир вақтнинг ўзида 3 та гуруҳ машғулот ўтиши учун имконият бор.

— Ўқув масканимизнинг фаолият бошлаганига 25 йил бўлди, — дейди коллеж директори Муҳаррам Сатторова. — Бу вақт мобайнида минглаб мутахассислар тайёрланди. Республикамизда ҳуқуқшунос кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида коллежга ҳар йили мамлакатимизнинг турли вилоятларидан кўплаб йигит-қизлар ўқишга қабул қилинади. Асосий мақсадимиз — ўз ҳақ-ҳуқуқини ажрата оладиган, ҳуқуқий соҳада етук билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Дарҳақиқат, коллеж фаолиятига назар ташласак, бу ерда амалга оширилаётган ишлар қўлами кишини қувонтиради. 1999 йилдан бошлаб ўқитиш янги йўналишда олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда замонавий таълим ютуқларини қўллаш, хорижий давлатларда малака ошириб қайтган мутахассис-ўқитувчилар иштирокида анжуманлар ўтказиш, тўпланган тажрибаларни ўқув ишларига жорий қилиш ўз самарасини бермоқда. Турли тўгараклар, гуруҳлар бўйича махсус амалий машғулотлар ташкил этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш мақсадида коллежда янги педагогик технологияларнинг дарс жараёнига жорий этилиши таълим сифатини янада яхшилашда қўл келмоқда. Мисол учун Жанубий Кореяда тажриба орттириб келган физика фани ўқитувчиси Саидакмал Муродов четдан келтирилган компьютерлар, видео ускуналар, «Аппаллои» телескопи билан жиҳозланган ўқув хонасида ушбу мураккаб фандан коллеж талабаларига сабоқ беради. Шунингдек, айрим хорижий ўқув муассасалари билан ўзаро тажриба алмашувлар, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Таълим-тарбия жараёни бўйича изланишлар давом этмоқда. Ҳуқуқий демократик жамият сари бораётган давлатимиз учун етук ҳуқуқшунос кадрлар ниҳоятда зарурлигини коллеж жамоаси яхши тушунади.

Дилдора ИСОҚОВА,
Маъмура МАДРАҲИМОВА

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Давлат божхона қўмитасида БМТнинг Гиёҳванд моддаларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича бошқармаси ижрочи директорининг ўринбосари Сумру Ноян ҳамда ушбу бошқарманинг Ўзбекистондаги минтақавий вакили Антонелла Деледда хонимлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда БМТнинг мазкур бошқармаси билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик, Ўзбекистон томонидан гиёҳванд моддалар назорати борасида қилинаётган ишлар ва бу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ушбу муаммони ҳал этиш ишларини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда БМТнинг Гиёҳванд моддаларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича бошқармаси бўйича минтақавий ваколатхонаси томонидан кўплаб семинарлар, тренинглар, шунингдек, чегара ҳудудларидаги божхона постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўзбек-афғон чегараси ҳудудида жойлашган Термиз-Ҳайратон назоратдан ўтказиш пунктидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан БМТнинг ушбу бошқармаси томонидан 2 млн. АҚШ доллари ажратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Шунингдек, томонлар Тошкентда очилаётган Марказий Осиёда ягона ҳисобланмиш Олий ҳарбий божхона институтида малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ўзаро фикр алмашдилар. Ушбу институтни халқаро андозаларга мос жиҳозлаш, ўқув хоналарини замонавий ускуналар билан таъминлаш ишларида ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишди.

Бошқарма ижрочи директорининг ўринбосари Сумру Ноян хоним яқин кунлар ичида «ўзбек — афғон чегарасида жойлашган Термиз-Ҳайратон назоратдан ўтказиш пункти фаолиятини такомиллаштириш» Дастурига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси мутахассислари иштирокида қўшни давлатлар божхона хизмати вакиллари билан тезкор ахборот алмашиш масалалари юзасидан тренинглар ўтказилиши мўлжалланаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Н.САЛОМОВ,
ДБҚ Матбуот хизмати ходими

● ТАҚДИМОТ

КЎНГИЛ ДРАМАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Умр шомидаги бахт» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган «Умр шомидаги бахт» спектаклида халқимиз дунёқарашига мутлақо зид бўлган айрим салбий иллатларнинг баъзан ҳаётимизда бўй кўрсатиб қолаётгани, уларни бартараф этишда яхшиларнинг кўмаги ҳамиша зарурлиги, ота-боболардан қолган миллий қадриятларимиз оёғи ердан узилган айрим кимсалар томонидан топталиб, оёқости қилинаётгани, қолаверса бундай кўнгилсизликларни йўқотишда барча баҳамжиҳат бўлиб, одамийлик тамойилларини эъзозлашимиз лозимлиги ҳикоя қилинади.

Спектаклдаги воқеалар қариялар уйида кечади. Бош қаҳрамонлар — ўз фарзанди, жигарбандлари томонидан кексалар пансионатига элтиб ташланган Аваз ота ва Хадича аялар умрлари давомида одамларга яхшилик соғиниб яшаган. Улар оқ ювиб-оқ тараб ўстирган фарзандларига берган беҳисоб меҳри эвазига тошбағирлик топган инсонлар. Улар ўз ҳаётларидан нолимайди, балки уни қисматнинг иши деб биладилар. Минг машаққатлар ила тиклаган иморатларида яшаётган фарзандларига яхшилик истайдилар.

Таниқли журналист Дилбар Маҳмудова ва санъатшунос олим Тилаб Маҳмудовлар томонидан яратилган мазкур пьеса тажрибали режиссёр Қаҳрамон Саъдуллаев томонидан саҳналаштирилган бўлиб, унда илгари сурилган ғоя долзарблиги жиҳатидан бугунги кунда театр олдига қўйилган мақсадларни тўла ифодалайди.

Муҳаммад НАЗАР



Тошкентда мусиқа байрами

Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг маданият бошқармаси ва «SOCIETE GENERALE» банки Ўзбекистон меҳмонлари ва пойтахт аҳолисини 21 июнь куни ўтказиладиган мусиқа байрамига таклиф этади. Маълумки, 1982 йилда Францияда маданият Вазири Жак Ланг ташаббуси билан бошланган мусиқа байрами халқаро тадбирга айланди. У 21 июнь — ёзги кун ва тун баравар бўладиган кунда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида нишонланади. Мусиқа байрамида барча чолғу асбоблари, классик ва замонавий мусиқа, бутун жаҳон халқ тароналари бирбирига ҳамоҳанг бўлиб кетади. Бу йилги байрам профессионал ва ҳаваскор артистлар, турли бадиий жамоалар ўртасидаги ўзига хос «кўприклар»дан, шаҳардан-шаҳарга томошабинлар учун саёҳатлардан иборат бўлади.

Тошкентдаги мусиқа байрами дастуридан концертлар ва мусиқавий фильмлар намойиши, ўзбек бастакорлари асарлари ижроси француз Эммануэль Дюринг ва «Янги йўл» гуруҳи тўртта ўзбек созандасининг биргаликдаги концерти, шунингдек француз ди-жей Фла иштирокида дискотекадаги рақслар ўрин олган. Барча томошаларга кириш бепул.

Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида ўтадиган мусиқа байрами саноқсиз концертларда миллионлаб одамларни бирлаштириб, бутун жаҳон орқали мусиқавий карвон йўлини ташкил этади.

Алишер РЎЗИЕВ

● ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

АХБОРОТ ЭГАСИ — ДУНЁ ЭГАСИ

ёки замонавий ахборот тизимларини жорий этишнинг истиқболлари хусусида

Ҳозирги вақтда инсон томонидан бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияларининг тақдирини компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳақиқатан ҳам, компьютер тараққиёти қисқа давр ичида беқиёс юксалишга эришди. Ишлатишда анча меҳнат талаб қиладиган электрон ҳисоблаш машиналари ўрнига ҳозир ихчам, тезкор ҳамда ахборот сиғими бир неча миллион маротаба юқори бўлган компьютерлар авлоди вужудга келди. Уларнинг имконияти шу қадар кенгки, бир компьютер «хотира»си бир вақтнинг ўзида 500 бетлик китобдан 40 мингдан зиёдроғини сиғдириш имконияти мавжуд. Биринчи авлод компьютерларида фақат математик ифодаларни ечиш мумкин бўлса, ҳозирга келиб сўнгги турдаги компьютерларда жуда катта ҳажмдаги ахборотларга ишлов бериш, уларни сақлаш, дунёнинг исталган нуқтаси билан ахборот алмашиш мумкин.

Бугунги кунда замонавий компьютер технологиялари ҳамда коммуникация тизимларини барча соҳаларда жорий этиш мамлакат тараққиётини юксалтиришдаги энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2002 йил 30 май куни қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бу жабҳада амалга оширилаётган ишларни янада ривожлантиришда дастуриламал бўлди.

Мазкур фармон ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўликроқ қондириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, унда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий тизимларини жорий этишда зарур бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Эндиликда ҳар қандай корхона ёки ташкилот ўз фаолиятини ахборотсиз амалга ошира олмайди. Уни бошқаришда ахборот тизимларини жорий этиш мураккаб ва оғир жараён ҳисобланади. Бунда юзага келадиган муаммоларни олдиндан ўрганиш ва уларга тайёр бўлиш иш жараёнини енгиллаштиради ва бу тизимдан амалда фойдаланиш самарасини оширади.

Кўпгина раҳбарлар бошқарувда фақат шахсий тажрибаси ва билимига суянган ҳолда ўз фаолиятида ташкилотнинг ҳолати, ўзгариш жараёнидаги тўлиқ бўлмаган ҳамда тизимлаштирилмаган маълумотларга таянади. Бу нарса баъзан зарур қарорлар қабул қилишда вазиятнинг боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлади.

Ташкилотда ушбу вазифага киришишдан аввал унинг тузилмасини қайта кўриб чиқиш лозим. Одатда ҳар қандай автоматлаштириш тизимини ҳам «қандай бўлса шундай» тамойили асосида амалга ошириш мумкин. Бироқ қўшимча муаммолар ва қарама-қаршиликлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд.

Автоматлаштирилган тизимларни жорий қилиш бошқарув жараёнларига маълум ижобий ўзгаришлар киритади. Лекин буни иш соддалашади деб тушунмаслик керак. Фақат қоғозбозлик қамайиб, иш жараёни тезлашади, ахборот билан ишлаш унумдорлиги ва сифати ортади. Бу нарса ходимлардан билимнинг етарлилигини, тезкор қарор қабул қилишга тайёрликни талаб этади.

Лойиҳани жорий этишнинг баъзи босқичларида ходимларнинг иш ҳажми вақтинча ортиб кетиши мумкин. Бу одатдаги иш жараёнида ходимнинг янги билим ва технологияни эгаллаши билан боғлиқ омилдир. Шундай вақтда ходимлар ўзларининг асосий вазифаларини бажариб, янги тизимда ишлаш иккинчи даражали бўлиб қолиши сабабли баъзи босқичларнинг бажарилиш вақти чўзилиб кетади.

Аксарият йирик автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этишда ташкилот ходимларидан 3-6 кишилик ишчи гуруҳи тузилади. Гуруҳ раҳбари замонавий ахборот технологиялари бўйича етарли билимга эга бўлиш билан бирга бошқариш ва тижорат соҳаларидан ҳам бохабар бўлиши лозим. Ишчи гуруҳи ташкил этилгандан сўнг гуруҳдаги ҳар бир ходим бажариладиган ишлар доирасини, иш режаси, ҳисобот шакли ҳамда даврини аниқ-равшан белгилаб олиши лозим. Малакали ишчи гуруҳини шакллантириш лойиҳанинг муваффақиятли чиқиши гаровидир.

Юқорида биз ахборот тизимларини яратиш жараёнида учрайдиган асосий масалалар хусусида тўхталдик. Тараққийлашаётган жамиятда ҳар бир ташкилот ўзига хос иш юритиш хусусиятига эга бўлиб, тизимни жорий этиш жараёнида булардан бошқа муаммоларга ҳам дуч келиши мумкин. Уларнинг ечимини топиш учун эса автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этувчи гуруҳдан қўшимча таҳлил ва янги усулларни излаш тақазо этилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, компьютерлаштириш жараёнлари жадаллик билан ривожланаётган бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим ахборотлаштиришнинг замонавий усулларидан хабардор бўлиши, кези келганда ўзига тегишли ахборот манбаларидан фойдалана олиши лозим. Негаки, ахборотга эга бўлиш — мавжуд вазиятни бошқара билиш демакдир.

Дилшод НИҒМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Америкалик ҳайдовчи «Ал-Қоида» билан ҳамкорлик қилганлигини тан олди

Пайшанба куни Америка маъмурияти 34 ёшли ҳайдовчи Иймон Фарис «Ал-Қоида» гуруҳига ёрдам беришда айбдор эканлигини тан олганлигини ва Нью-Йоркдаги Бруклин кўпригидаги террорчилик ҳаракатини тайёрлашда иштирок этганлигини таъкидлашди, деб хабар беради BBC News.

Асли кашмирлик бўлиб, 1999 йилда Америка фуқаролигини олган Фарис энди АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишга рози бўлди. У «Ал-Қоида»нинг олий даражадаги вакилларидан буйруқлар олиб турганлиги ва бин Лодин билан учрашганлигини айтди. Тахмин қилинишича, у АҚШдаги террорчиларга ҳам ёрдам бериб турган. АҚШ бош прокурори Жон Эшкрофтнинг сўзларига кўра, Фарис Бруклин кўпригини ушлаб турган тросларни ишдан чиқарувчи асбоб-ускуналарни тайёрлаши керак экан.

«Бунгача Иймон Фарис меҳнатсевар, мустақил юк машинаси ҳайдовчиси сифатида яшарди. Бироқ у икки хил ҳаёт кечирарди. У Афғонистон ва Покистонга бориб турар, яширин равишда Усама бин Лодин билан учрашар, Америкага қарши жиҳодда иштирок этарди», — дейди Эшкрофт.

Тергов жараёнида маълум бўлишича, 2002 йилнинг охирида Фарис Бруклин кўпригини обдон текшириб чиққан ва террорчилик ҳаракатининг муваффақиятига ҳамкорлик ишонмаганди. Ўшанда у «Ал-Қоида» раҳбариятига ўз кузатувлари натижалари ҳақида шифрланган мактуб йўллаганди.

Фарис иши юзасидан ҳукм 2003 йилнинг 1 августида чиқарилади. Ҳайдовчи 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниши кутилмоқда. Бундан ташқари унга, 500 минг доллар жарима ҳам солинади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ИСЛОҲОТ, ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШЛАР

ЯХШИЛИК НИҲОЛИ

ёхуд республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази Бухоро филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Маъмур Абдураҳмонов сувратига чизгилар

Қадим Бухорода тун пардаси бағрини ёриб, тонг отяпти. Кўчалардаги чироқлар бирин-кетин ўчяпти. Машиналар ғимирлаб қолишди. Кўҳна Кўксарой қаршисидаги шифо масканидаги боғда оқ халати ўзига ярашган, кичик жуссали киши оҳиста одимламоқда. Буғдойранг чеҳраси анча ҳорғин, туни билан мижжа қоқмагани шундоққина сезилиб турибди. Лекин кўнгли чароғон, руҳи енгил. Ахир олти яшар қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди-ку! Кўз олдидан жажжи қизалоқнинг илтижоли боқиши кетмайди. Жигар церрозига мубтало бўлган бу навниҳолда биринчи бор мукаммал жарроҳлик ўтказилди. Тошкентдан чақирилган жарроҳ М.Алиев билан ҳамкорликда қилинган иш ўз самарасини бериши аниқ. Умрининг эллик иккинчи баҳори ўтиб боряптики, халқ саломатлиги йўлида ҳалол фаолият кўрсатмоқда, ҳар бир бемор дардига малҳам бўларкан, унинг қалбига яхшилик ниҳолини экаётганидан фахрланса арзийди. Шифокорлик касбини танлаб, хато қилмаганидан мамнун. Бугун қизчанинг юрак деб аталмиш диёрида яна баҳор қийғос гул очаётганига ишонади.



— Салом, Маъмур Мустафоевич, — шифокорнинг хаёлларини бўлган унинг шогирдлари эди. — Табриклаймиз, операциянгиз жуда яхши ўтди. Қизалоқ ўзини яхши ҳис этяпти.

— Раҳмат, — деди Маъмур ака мулойимлик билан. Сўнг йигитларга меҳр-ла боқаркан, уларда ўзининг ёшлигини кўргандек бўлди...

Маъмур Абдураҳмонов 1974 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетини битириб қайтгач, 22 ёшида вилоят касалхонасида жарроҳ сифатида иш бошлади. У умр йўллари ҳамиша равон бўлавермаслигига ишонар, шу боис кўпроқ бировга эмас, балки ўзига таяниб иш тутиш, изланиш, устозлардан ўрганиш, яхшиларга эргашишни афзал билди.

4-бет

XORIJDA

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ҚАДИМ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон раҳбарининг Эрон Ислом Республикасига расмий ташрифи, шубҳасиз, ҳар бир ўзбекистонликда катта қизиқиш уйғотди ва яхши таассурот қолдирди. Халқларимизнинг минг йиллик тарихий алоқаларини ёдга солди. Яхши қўшничилик, қардошлик ва қариндошлик ришталари шу даражада боғланиб кетганки, бу айниқса, маънавиятнинг уйғунлигида, шеъриятнинг яқинлиги ва оҳангдорлигида, карвон йўлларининг туташиб кетганлигида, савдо-сотиқнинг азалийлигида яққолроқ намоён бўлади. Президентимизнинг ташрифи ана шу тарихий анъана қайта тикланаётгани, янгича муносабатларда намоён бўлаётганидан далолат бериб турибди.

Эрон нафақат қадимий давлат, балки минтақада ўз салоҳиятига эга бўлган катта мамлакат. Аҳолисининг сони қарийб 63 миллиондан ошади. Биргина Теҳроннинг ўзида 7 миллионга яқин аҳоли яшайди. Шунингдек, Машҳад, Исфаҳон, Табриз сингари миллионер шаҳарлари бор. Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари жуда катта. Эрон бутун дунё билан савдо қилади. Араб дунёсида эса гавжум бозорларни асосан Эрон маҳсулотлари эгаллайди. Бунда, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг, биринчи навбатда деҳқончилик ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг салмоғи катта. Мустақиллик йилларида бу маҳсулотлар бизнинг бозоримизга ҳам кириб келди. Бизнинг транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз эса йилдан-йилга кенгайиб, янги режалар ва лойиҳалар билан бойиб, тобора мустаҳкамланиб боряпти. Айниқса, Саййид Муҳаммад Хотамий Эрон Ислом Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейин бу алоқалар дўстона, ўзаро ишонч ва қардошлик руҳида изчил ривожланиб борди.

Биз ўзбекистонликлар Эрон раҳбарининг 2002 йилнинг апрель ойида мамлакатимизга қилган расмий ташрифини яхши эслаймиз. Президент Хотамий жаноблари ўшанда юртимизнинг азиз меҳмони бўлган ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бирга бундан кейинги кўп томонлама алоқаларга асос яратишган эди. Бу йил Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи пайтида Теҳронда имзоланган тарихий ҳужжатлар ўтган йили Тошкентда эришилган келишув натижасида имзоланган Қўшма Баёнот ва музокаралар жараёнидаги аҳдлашувларнинг амалдаги самараси бўлди. Демак, энди кўп томонлама алоқаларимиз янада мустаҳкамланади, борди-келдимиз яна ҳам кўпаяди, савдо-сотиғимиз янада ортади, энг муҳими, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз янги лойиҳаларни амалга ошириш билан тобора кучаяди, дўстлигимиз ва қардошлигимиз эса янги мазмун билан бойийди.

Гап Ватанимизнинг имкониятлари ҳақида борар экан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги автомобиль саноати ва автотранспорт тармоғи ривожланган давлат эканлигидан фахрланмаслигимиз мумкин эмас. Айниқса, мустақилликдан кейин автотранспорт мамлакатимиз иқтисодининг асосий қон томирларидан бирига айланиб қолди. Нафақат юк ташишда, балки йўловчи ташишда ҳам автотранспорт етакчи ўринга чиқиб олди. Умуман, мамлакатимизда йўл инфратузилмаларини ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда. Биз қўшни давлатлар билан замон талабига мос йўллар орқали боғланиш чораларини кўряпмиз. Ўзбекистонни Термиз, Мозори Шариф, Ҳирот орқали Эронга туташтирадиган йўл аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиш керак бўлади. Бу режа амалга ошгач, Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистон ва Эрон билан иқтисодий алоқалари, қардошлик ришталари яна ҳам мустаҳкамланади.

Бошқача айтганда, бу йўл фақат иқтисодимиз қон томири бўлибгина қолмай, айни пайтда маънавиятимизни, ўзлигимизни ва маданиятимизни англашга ҳам хизмат қилади. Биз улуғ шаҳарларнинг муқаддас жойларини зиёрат қилиш имкониятига эга бўламиз, улуғ боболаримиз юрган йўллардан юрамиз. Тўғриси, Афғонистонда ҳам, Эронда ҳам зиёрат қиладиган жойларимиз кўп. Демак, Ўзбекистон раҳбарининг Эронга ташрифи ва унинг Саййид Муҳаммад Хотамий ҳамда Ҳамид Карзай билан учрашуви иқтисодга, дўстликка ва қардошликка бўлганидек, маънавиятга ҳам хизмат қилади.

Президентимизнинг ташрифини мен телеэкран орқали кузатдим. Ҳамма ерда самимият, иззат-икром кўрсатилганлиги кўриниб турибди. Назаримда, Хотамий раҳбарлиги даврида амалга оширилган ислоҳотлар Эроннинг ташқи дунёдаги мавқеини оширди ва қўшниларига нисбатан бўлган ишончини мустаҳкамлади. Жумладан, у Ўзбекистон билан катта умид ва ишонч асосида алоқа ўрнатмоқда. Бир пайтлар шоирларимиз бирга шеърхонлик, олиму уламоларимиз бирга донишмандлик қилишган бўлса, бугун тадбиркорларимиз, халқларимиз манфаати йўлида бирга ҳамкорлик қилишаётган экан, демак қардошлигимиз дунё харитасида бундан кейин ҳам мухрланиб қолаверади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи,
«Туркистон-пресс»

МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Тошкент вилояти онкология диспансерида Тошкент шаҳри ва вилояти онкология шифохоналари учун рак касаллигига қарши дори-дармонлар ва тиббий ускуналардан иборат мурувват ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу Counterpart International (CHAP) дастури томонидан олиб келинган ва қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган АҚШ мурувват ёрдамининг бир қисмидир.

Хорижий ташкилотлар Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзини юксалтириш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий муассасаларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шифокорлар ва ҳамширалар малакасини ошириш каби хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

1965 йилда ташкил этилган CHAP халқаро ташкилоти ҳозир дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида ўз ваколатхоналарига эга. Унинг Ўзбекистондаги фаолияти 1998 йилда бошланган. CHAPнинг соғлиқни сақлаш дастури соғлом жамият ва барқамчи тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган. Бунда оналик ва болаликка асосий эътибор берилади. Ўтган давр мобайнида у умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларидан ортиқ мурувват ёрдамини олиб келди. Бу йил эса мамлакатимизга 3 миллион долларлик мурувват ёрдами келтиришга улгурди.

Абдуғани СОДИҚОВ

● ТАРИХ ВА ТАХМИН

БОРМАН, БИН ЛОДИН... ВА САДДАМ

ЁКИ УЧ ЖУМБОҚНИНГ СИРЛИ ТУГУНИ ҲАҚИДА

... Дунё тарихи инсониятга қарши жиноятларни кўп кўрган. Ва, айни дамда ана шу жиноятчиларга нисбатан ўз ҳукмини ҳам чиқарган: гоҳ бевосита, гоҳ билвосита.

... 1946 йилнинг 1 октябрида Нюренберг Халқаро ҳарбий трибунали фашист раҳномалари устидан ҳукм чиқарди. Уларнинг аксари олий жазога — осиб ўлдиришга лойиқ топилди. Халқаро ҳарбий трибунал ҳукмида 19-рақам остида Мартин Борман номи турарди. У ҳам олий жазога ҳукм қилинди. Аммо сиртдан. Чунки деярли бир йил давом этган суд жараёнида фашистлар Германиясида Гитлердан кейинги мансаб даражасида турган кимса учун ажратилган қора курси бўш турди. Фюрернинг ўринбосари, нацистлар партияси рейхслятери, СС обергруппенфюрер Мартин Борман Берлин қамали даврида сирли равишда ғойиб бўлганди.

М.Борман кундалигидан:

«1945 йил 1 май. Империямиз канцелярияси харобага айланмоқда... Қамалдан қутулишга уриниш керак...»

Булар қўли қон кимса томонидан «тарих учун» қайд қилинган сўнгги сўзлар эди. Кейин...

Адольф Гитлернинг шахсий ҳайдовчиси Эрик Кемпк урушдан сўнг «Мен Адольф Гитлерни ёқдим» номли китоб чоп қилган. Ана шу хотирасида у Берлин қамалидаги сўнгги кунларини шундай эслайди: «...Бизлар ёриб ўтиш гуруҳида эдик. Тунги соат иккиларда ёнимга бир неча киши келди. Улар орасида мен СС обергруппенфюрер формасидаги Борманни дарров танидим... Биз вазиятни муҳокама қилдик. Борман ёриб ўтиш учун танклар зарурлигини айтди. Эътироз билдирдим, ҳозир бир танк топиш ҳам амримаҳол. Кутилмаганда мўъжиза рўй берди — учта «Т-4» танки ва учта бронетранспортёр пайдо бўлди...»

Эрик Кемпк китобида ўша ёриб ўтиш вақтида руслар кучли ўт очиши натижасида Мартин Борман ҳалок бўлганини айтади. Аммо кейинчалик терговга берган кўрсатмаларида бундан тониб, Борман ўлган-ўлмаганини аниқ билмайман, дейди.

Ўша ёриб ўтиш вақтида фашистлар лидерларининг бир қисми шаҳарни тарк этгани тарихий ҳақиқат. Кейинчалик бу омон қолганлар гап Борман тўғрисида кетганда турли фаразларни билдиришади. Бирови ўлди, ўлигини кўрдим деса, бирови омон қолди, дейди.

Нима бўлса-да, ўша 2 май кунги «ёриб ўтиш» натижаси тарих учун сирлигича қолди. Шўролар қўмондонлиги ўша ерда ва шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам Борманнинг ё ўлиги ё тиригини топишга қанчалик уринмасин бирор натижага эриша олмадилар.

Энг қизиғи кейин бошланади.

1961 йилнинг 14 февралида доктор Фриц Бауер Борманни сўнгги марта тергов қилади. Тўғри, гап фашистлар раҳномоси устида эмас, унинг ўғли Хорст-Адольф тўғрисида боряпти. Мазкур терговда ўғил отаси билан бир неча марта Лотин Америкасида суҳбатлашганини тан олади.

Ўша вақтда ҳали ҳаёт бўлган Борманнинг онаси Герда Борман терговга қўйидагиларни билдиради: «Айблануvчи Борман ҳаётми, йўқлигини билмайман. Аммо 1949 йилда у ўлмаганини яхши биламан...»

Булар сирли равишда йўқолган Борман ҳақидаги ягона кўрсатмалар эмас. Мартин Борман устидан Германияда очилган янги жиноий иш токи 1971 йилда бекилгунга қадар турли матбуот органларида Борманнинг Лотин Америкасидаги қатор давлатларда бошқа исм-шариф остида яшаётгани ҳақидаги хабарлар босилиб турди. Борман яширинган, деб тахмин қилинганлар Боливия, Парагвай, Бразилия, Панама каби ўша вақтда қайсидир генерал диктаторлар ҳукмрон бўлган давлатлар эди.

Маълумки, қўли қон фашистлар раҳномаларининг бир қанчасини урушдан сўнг — ҳатто ўтган асрнинг 60-70 йилларида ушлаб суд қилишга муваффақ бўлинди. Уларнинг аксари Борман ҳаётлигини, у билан қайсидир бир Лотин Америкаси давлатида учрашганини тан олишди. Ана шундай жиноятчилардан бири қўлга тушганда унинг номига «Мард бўл!» деган икки жумла ёзиғлиғ хат келиб тушган. Экспертлар бу айнан Борман имзоси эканлигини аниқлашган.

Ҳатто Мартин Борман ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Германияда чоп қилинаётган бир газетага интервью беришга ваъда қилади-ю, сўнгра фикрини ўзгартиради. Мухбир билан учрашувга келишилган жойга бормайди.

Тўғри, ҳозир бу жиноятчини ҳаёт деб айтиш қийин. (У 1900 йилда таваллуд топганди). Аммо яна бир фашист жиноятчиси Гесс 1949 йилда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган, салкам юз ёшида қамоқда вафот этганини ҳам эслатиш жоиз.

Нима бўлса-да, XX асрнинг энг ваҳший жиноятчиларидан бири Мартин Борман дордан қутилиб қолгани аниқ. Унинг кейинги тақдири тарих учун ҳамон сирлигича қолмоқда.

Яқин-яқингача жаҳоннинг «биринчи рақамли террористи» деб расман қайд қилинган Усама бин Лодиннинг сирли ғойиб бўлиши ҳам гоҳида қайсидир матбуот органига ўз чақириқларини жўнатиб туриши бу дунёидунда жиноятчиларга раҳнамо кучлар борлигини кўрсатмайдими?

Бағдод қамал пайтида «Ал-Жазира» телеканалига жўнатган навбатдаги телемурожаатининг сохта эмаслигига кўпчилик иқрор бўлди-ку.

Ўз халқи бошига не бир кулфатларни солган ва қўшни давлатларга зуғум-пўписа қилишни касбга айлантирган диктатор Саддам Хусайннинг тахтдан мосуво бўлгани аниқ. Аммо унинг на ўлиги, на тириги топилгани, бунинг устига уни аллақачон ўлдига чиқарган бир пайтда араб газеталаридан бирига юборган «саломнома»си асл нусха эканлиги тарихнинг яна бир сирли саҳифасини очмоқда.

Бағдод иттифоқчи қўшинлар томонидан қамалга олинган куни Саддам Бағдод кўчаларида одамлар орасида юргани телевидение орқали намойиш қилинди. Майли, бу унинг ўхшаш — «эгизак»ларидан бири дейлик. Аммо собиқ диктатор қаерда? Ўлган бўлса жасади топиларди ёки кимдир кўрарди...

... Дунё кенг. Қарашлар, ғоялар ранг-баранг. Ҳамма замонларда ҳам «душманимнинг душмани дўстим» қоидасига амал қиладиганлар топилади.

Сиёсатнинг сирли тугунларидан бири ҳам шу. Аммо қўли қон, инсониятга қарши борган жиноятчи жазодан қочиб юриши мумкин. Лекин тавқи лаънатдан, адолат таъқибидан қочиб қутила олмайди.

Рўзимбой ҲАСАН

500 миллион доллар жарима талаб қилишди

Исроил шимолидаги Хадер шаҳрида 2002 йилнинг январида амалга оширилган террорчилик натижасида халок бўлган америкалик қўшиқчи Аарон Эллиснинг қариндошуруғлари Ёсир Арафот ва «Фаластин озодлик ҳаракати»ни қотилликда айблаб судга беришди, деб хабар қилади «Рейтер» агентлиги. Даъвогарлар 500 миллион доллар жарима ундириб берилишини талаб қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, банкет залида одамларни отиб ташлаш режасини Абдул Салом Содиқ Ҳассуна тайёрлаган ва уни жавобгарлар қўллаб-қувватлашган эмиш.

Эслатиб ўтамиз, 2002 йилнинг 17 январида Нина Кардашованинг 12 ёшга тўлишини яҳудийчасига байрам қилинаётган пайтда Ҳассуна банкет залига бостириб кириб, автоматдан ўт очган ва бир неча граната улоқтирган. Ушбу ҳаракат учун масъулиятни «Ал-Акса» гуруҳи ўз зиммасига олган. Натижада етти киши ҳалок бўлди. Улар орасида қўшиқ айтаётган Эллис ҳам бор эди. 30 киши ярадор бўлганди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ИСЛОҲОТ, ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШЛАР

ЯХШИЛИК НИҲОЛИ

ёхуд республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази Бухоро филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Маъмур Абдураҳмонов сувратига чизгилар

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Шифокорлик касби бу ўта масъулиятли, айни пайтда шарафли эканлигини ҳар кунлик жасоратга дахлдорлигини юракдан ҳис этди. Манманлик, таъмагирлик калондимоғликдан нари юриш, одамийлик мезонлари бўлган меҳр-оқибат, бир-бирига кераклиги ва елкадошлик, бошга кулфат тушса дарддошлик, самимият, муҳаббат барини маҳкам ушлади. Бунда унга вилоят бош жарроҳи бўлиб ишлаган Надежда Борисова, биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти қон-томир жарроҳлиги кафедраси мудири, профессор Ўктам Орипов яқин кўмакдош бўлганлари қўл келди.

Тақдир уни ана шундай улуғ инсонларга яқинлаштиргани боис у Бухорода қон-томир жарроҳлиги бўйича йирик мутахассис даражасига етди.

— Эсимда, — деб хотирлайди Маъмур Мустафоевич, — вилоят касалхонасида ишлардим. Юз-жағ жарроҳлиги бўйича танилган мутахассис Муҳаммад Шодиев бир кун мени ҳузурига чақирди. Когонлик беморнинг жағ ости олти ойдан буён йириングларкан, кўзи эса кўрмайди. Артерия қон томири уриши жуда суст, қўлларига эса қон бормай қолган. Шу боис 20 яшар қиз худди ўттизга киргандек кўринади. Нима қилиш керак? Касбимизга оид адабиётларни Москва, Тошкентдан топиб, ўқиб-ўргандим. Маълум бўлишича, юракдаги аортадан чиқадиган томир шамолласа у ёпилиб қоларкан. Бу асосан аёлларда кўп учрайди. Агар одам 3-4 яшарлигида шамолласа-ю унинг олди олинмаса, худди шундай асоратга дучор бўларкан. Изланишлардан сўнг жарроҳлик йўли билан томирларни тозалаш керак деган тўхтамга келдик. Шу усулда ўша беморни даволадик. Бундай беморларнинг қарийб 200 дан ортиғида тажриба ўтказдик. Ишимиз яхши самара бера бошлади. Шундан сўнг вилоятда илк бора ана шу йўналишдаги илмий ишга қўл урдим.

Узоқ изланишлардан сўнг М.Абдураҳмонов 1988 йилда «Носпецефик ортаоритнинг жарроҳлик муаммолари» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ишни умумий жарроҳликдан бошлаган шифокор энди венадаги барча операцияларни муваффақиятли ўтказа бошлагани учун ҳам лавозими юқорилаб борди. Вилоят касалхонаси 2-жарроҳлик бўлими бошлиғи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бош жарроҳ бўлиб ишлади. 6 йил вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини, 8 йил бошқарма бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида 2000 йилда Бухорода ҳам республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг филиали иш бошлади. Энди унга раҳбарлик қилиш вазифаси тажрибали жарроҳ, камтарин ва камсуқум инсон М.Абдураҳмонов зиммасига юкланди. Докторлик диссертациясига 1992 йилда киришган моҳир жарроҳ уни 2000 йилнинг май ойида якунлаб, «Носпецефик аортаортеритнинг иммуницератик ва иммунологик даволаш аспектрлари ҳамда консерватив ва жарроҳлик даволашни яхшилаш йўллари» мавзуда муваффақият билан ҳимоя қилди. Бу иши билан у вилоятда ўзига хос тажриба мактаби яратди десак хато бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, биргина марказ директори эмас, балки унинг шогирдларидан 13 киши айни кунда номзодлик диссертацияларини якунлаш арафасида туришибди. Шундан 8 киши жарроҳлик соҳасида илмий иш олиб бормоқда.

— Тиббиёт ривожи чегарани тан олмайди, — дейди Маъмур ака биз билан суҳбатда. — Шу сабабли биз шифокорларимизни мамлакатимиздан ташқарига — Россия медицина академиясининг Н.В.Склифосовский номли ҳамда Санкт-Петербургдаги И.И.Жанилидзе номли шошилинч тиббий ёрдам илмий-текшириш институтларига ҳам юбориб турамиз. Жаҳонга танилган бу институтларнинг раҳбарлари — профессорлар А.Ермолов, С.Богненколар ҳамда уларнинг мутахассислари бухоролик шифокорларнинг илғор тажрибаларни ўрганишларига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Ҳа, улар бу билан қаноатланганлари йўқ. Филиал шифокорлари Интернет воситасида жаҳоннинг нуфузли кўпгина соғлиқни сақлаш муассасалари билан боғланиш имкониятига ҳам эгалар. Айниқса, Москвадаги Кроиль тиббиёт маркази, Бакулеев номидаги юрак-томир хирургияси илмий-тадқиқот институти, Россия миллий жарроҳлик маркази, қатор университет ҳамда институтлар, даволаш масканларининг Интернетдаги сайтларидан олинган маъруза матнларидан иборат электрон кутубхонадан марказ жамоасигина эмас, балки Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ҳам мунтазам фойдаланиб келмоқдалар.

— Буларнинг барчасини ташкил этишда Маъмуржоннинг хизмати катта, — дейди Бухоро тиббиёт институти кафедра мудири, профессор Рауф Амиров. — У чарчаш нималигини билмайди. Вақт топиб, талабаларимизга маъруза ўқийди.

— Биз устозимиз кўмагида Интернет сирларидан воқифмиз, — дейди марказнинг ёш илмий ходими Иззат Амонов, —Интернетнинг «Русский медицинский сервер» провайдери ёрдамида Американинг соғлиқни сақлаш халқаро иттифоқи, Англия, Франция, Германия, Исроил ва бошқа мамлакатлардаги тиббиёт муассасаларида жорий этилаётган замонавий даволаш усулларидан хабардор бўлиб турибмиз. Буларнинг барчаси бизнинг илмий изланишларимизда асқотиши аниқ. Яқинда устоз парчаланган ва узилган қўлни жарроҳлик йўли билан қайта ўз ҳолига келтирдилар.

Иш вақти охирлаганига ҳам анча бўлган. Аммо чоғроққина хонада — Интернет атрофида уч-тўрт оқ халатли киши ўтирибди. Булар орасида фидойи инсон, кенг қалб эгаси Маъмур Абдураҳмонов алоҳида ажралиб туради. У шогирду ҳамкасбларини ҳар эрталаб бўладиган қисқа муддатли мулоқотда тиббиёт оламидаги янгиликлардан воқиф этиш ниятида Интернет сайтларига саёҳат қиляпти. Ҳа, у экадиган яхшилик ниҳоллари эрта-индин азим чинорларга айланиши табиийдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● СПОРТ

«ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТСИЗ ОДИМЛАРИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари 13-тур учрашувларини ўтказди. Мазкур турда «Машъал» Бекободда «Металлург»ни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратганлигини айтмаганда, деярли кутилмаган натижа қайд этилмади.

Бундан олти кун илгари Ўзбекистон кубоги ярим финалининг дастлабки учрашувида «Сурхон»га имкониятни бой берган (1:2) пахтакорчилар бу сафар Тошкентда термизликларни йирик ҳисобда енгди — 5:1.

Мавсум пешқадами «Пахтакор»нинг асосий таъқибчиси «Нефтчи» ҳам навбатдаги ғалабасига эришди. Фарғоналиклар ўз майдонида «Самарқанд-Д» устидан 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Қўқон-1912» — 4:0, «Бухоро» — «Андижон» — 1:1, «Навбаҳор» — «Трактор» — 1:1, «Қизилқум» — «Гулистон» — 2:0, «Дўстлик» — «Цементчи» — 3:1.

14-тур ўйинлари 23 июнь куни бўлиб ўтади.

Ўн учинчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	13	12	1	0	40-9	37
2. «Нефтчи»	13	12	0	1	36-7	36
3. «Қизилқум»	13	8	2	3	24-13	26
4. «Насаф»	13	8	1	4	27-15	25
5. «Навбаҳор»	13	5	5	3	20-13	20
6. «Дўстлик»	13	6	3	4	17-18	20
7. «Сурхон»	13	6	2	5	16-20	20
8. «Машъал»	13	5	2	6	20-14	17
9. «Бухоро»	13	4	2	7	20-23	14
10. «Металлург»	13	4	2	7	16-27	14
11. «Самарқанд-Д»	13	4	1	8	17-22	13
12. «Андижон»	13	3	4	6	12-14	13
13. «Трактор»	13	3	4	6	16-31	13
14. «Цементчи»	13	3	2	8	13-25	11
15. «Гулистон»	13	3	1	9	9-29	10
16. «Қўқон-1912»	13	2	0	11	14-37	6

● БОЛАЛАР СПОРТИ

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Тошкент давлат аграр университети қошидаги «Талаба» спорт-соғломлаштириш клуби доимо ёшлар билан гавжум. Бу ерда нафақат талабалар, балки Қибрай туманидаги Исломобод, Лимончилик, Наврўз, Ойбек, Бобур маҳаллалари ўғил-қизлари ҳам ўнга яқин спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Суратларда: бокс тўгараги аъзоларидан бир гуруҳи. Таниқли боксчи, Мюньхенда ўтган XX ёзги олимпиада қатнашчиси, собиқ Европа чемпиони Николай Анфимов болаларга бокс сирларини ўргатмоқда.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёз — ёзилмоқ, қиш — қисилмоқ

Бу мақол хусусида Аҳмад Аҳмадий «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил 1-сонида босилган «Туркча ой отлари» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзган: «Турклар (бунда Туркистон, ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқлар назарда тутилган — Ш.Ш.) эски замонларда чорва боқиб, чорва ўстирган эди. Чорвани ўтладиғи томонга эркинлатиб юборишга «ёюв» ҳамда ўтлоқ ерларга «яйлов» дейиладур... Июнь, июль, август ойларида... тоғларга чиқиб, чорва боқилгонидан бу уч ойга «жой» ёки «ёз» дейиладур. Қозоқ, қирғиз, татарлар «жой, жоюв, жойилиб, жайлов, жайма», ўзбеклар «ёз, ёюв, ёйилиб, яйлов, ёймоқ» деб қўлланадурлар... Ноябрдан сўнг совуқ бўлиб, тирикчилик, кенгчиликлар камиб, юрт, рўзғор қисиладур. Шу муносабат билан декабрь, январь, февраль ойларига «қис» дейиладур. Қозоқдан бошқалар «с» ўрнига «ш» келтириб, «қиш» деб юргизадурлар. «Олти ой ёз, олти ой қиш» деб юритиладур. Мақол: «Ёз — ёзил, Қис (қиш) — қисил» Вар.: «Ёз — гулистон, Қиш — гўристон».

Ёз — яйловинг бор, қиш — қишловинг бор, дунёда не ғаминг бор?

Чорвадорларнинг бу мақоли билан: «Яхши яшаш учун ҳамма шарт-шароитинг борку? Сенга тағин нима керак, ахир?! деган маънода ўз ҳаётидан нолийдиган одамларга далда берадилар.

Ёзга етсанг, қиш кунингни унутма

Мазмуни: «Қишда қийинчилик кўрганингни унутма. Янаги қишда ҳам қийналмай десанг, ёзда қишлик ғамингни еб қўй», деб насиҳат қиладилар.

● ЛУҚМА

НАРХИ — «50 КОП.» ЁКИ «10 КОП.»

Жарқўрғон туманида яшовчи шифокор Я.Элмуродов таҳририятга йўллаган мактубида қуйидагиларни ёзади:

«Яқинда бир байрам муносабати билан пойтахтга боргандик. Табиийки, бундай кунларда бирорта кино ёки театрга томошага тушиш кўпчиликни қизиқтиради. Биз ҳам Алишер Навоий номидаги Санъат саройида намойиш этилаётган «Муҳаббат синовлари» фильмига чипта сотиб олдик. Чипталарнинг ўта рангсиз, кўримсизлиги эътиборимни тортди. Ундаги ёзувга кўз югуртириб, ҳайрон бўлиб қолдим: собиқ иттифоқ давридаги чипталар. Наҳотки, мустақилликка эришганимизга 12 йил тўлаётган бўлса-да, ҳамон эски чипталардан фойдаланилаяпти? Нархи «50 коп.» дейилган. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бирини 1000 сўмдан сотиб олдик. Буям майли. Залга кириш эшикларининг чап тарафида донгдор ўзбек актёрларининг кинофильмлардан ишланган суратлари қўйилган. Не кўз билан кўринг-ки, уларнинг юзларига аллакимлар тилга олиб бўлмайдиган сўзларни ёзиб кетишибди. Ҳайрон қоласан киши, сарой мутасаддилари бундай манзарани наҳот кўришмаса?..»

Муаллиф ўз сўзининг исботи сифатида ўша куни олган 4 дона чиптани хатига илова қилган. **«Дворец искусств, Кинокомитет УзССР»** деб ёзилган, сарғайиб кетган бу чиптлар шаҳарнинг қоқ марказида буюк ўзбек шоири номидаги санъат саройида маънавий озуқа олиш илинжида келганларга 1000-500 сўмга сотилмоқда.

Бу масаланинг маънавий томони. Бироқ, назаримда унинг молиявий томони ҳам борга ўхшайди. Бу билетлар қачон тайёрланган, наҳотки 12 йилдан буён тугамаса?..

Энди ушбу воқеанинг давомини эшитинг. Ўтган дам олиш кунларининг бирида яқин танишим санъат саройида янги суратга олинган «Ёдгор» фильми қўйилаётганини айтиб қолди. Биргалашиб бориб, кассадан чипта сотиб олдик.

Шифокор муаллиф ёзган ўша манзара қайтарилди. Узатган 500 сўм эвазига кассир аёл қўлимга «10 коп.»-лик (юқорида тасвирланган, муборак икки аср юзини кўрган!) чиптани тутқазди.

Дарвоқе, вақт тиғиз эди. Яхши томошадан қуруқ қолмай деб унга наридан-бери кўз югуртирдим-у, шеригим билан кинозал томон ошиқдик.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

BANK XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Лаҳзали пул ютуқли лотерея чипталарини тайёрлатиш учун ўтказиладиган тендерга таклиф этади

1. Тендерда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

2. **Тендерда иштирок этиш истагини билдирган хўжалик субъектлари** тегишли ҳужжатларни **Халқ банки ҳисоб рақамига (ҳ/р. 45294000700000883002, МФО 00883 Халқ банки Марказий Амалиётлар филиали, ИНН 200917624) 100000 (бир юз минг) сўм миқдорида пул кўчириш йўли билан (маблағлар қайтарилмайди) харид қилишлари мумкин.**

3. Таклифлар 2003 йил 17 июль соат 15.00 га қадар Халқ банки Бошқаруви канцеляриясига тақдим этилиши лозим. Кечиккан ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки 700096, Тошкент ш., Қатортол кўчаси, 46-уй. Тел: 173-69-15, 173-69-16 (ички 115, 126, 159, 167).

● ТУРФА ОЛАМ

Биринчи ресторан: қачон ва қандай пайдо бўлган?

Илгари кишилар кўнгил ёзиш, ичиш ёхуд бирор нарса харид қилиш учун таверна (хўжалик дўконча)лари емакхоналарига киришган.

Лондон таверналарининг хизматчилари олдинига мижозлар ўзи билан бирга олиб келадиган гўштни пиширишган. Кейинчалик улар ўз маҳсулотларидан таомлар тайёрлашга ўтишди. Сўнг бу даргоҳ ҳар куни тайёрланган таомларни муайян соатларда тановвул қилиш мумкин бўлган дастлабки даргоҳга айланди. Бора-бора таверна машҳур зотлар учрашадиган жой бўлиб қолди. Шекспир Лондондаги «Мэрмейд» тавернасининг шинавандаси бўлган.

1765 йилда Лондондаги тавернада ўша замонларда янгилик саналган қаҳва, чой, шоколадни ҳам учратиш мумкин эди. Ўша йили Буланжс деган бир зот Парижда хушхўр «газак»лар ва тайёр таомлар сотиладиган муассаса очади. У бу жойни «ресторан» деб атайди. Қисқа фурсат оралиғида ресторан бутун Франция бўйлаб кенг тарқалади. Қўшма Штатлардаги 1863 йилда очилган дастлабки ресторан Филадельфияда жойлашган бўлиб, «Мовий лангар» деб номланган.

Биласизми?

Инглиз адибаси Вулф ўзининг кўплаб асарларини ёзув столининг олдида тик турган ҳолда битган.

✧✧✧

Сара Бернер ўзининг 70 ёшида ҳам 13 ёшли Жульетта ролини қойилмақом қилиб ижро этган.

✧✧✧

Оқ рангли соқоллар қора рангдагиларга қараганда тезроқ ўсади.

✧✧✧

Олимларнинг текширишларича, 1 дона соч толаси 3 килограмм юкни «кўтара» оларкан.

Наргиза ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади

Барча корхоналар, фирмалар, ширкатлар ва деҳқон фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сонли қарорига биноан, «Тошнефтмаҳсулот» унитар корхонаси тугатилганлиги боис, нефть маҳсулотларини олиш учун шартномаларни унитар корхона «Пахта» нефть базаси билан тузишингизни сўраймиз.

Манзилимиз: Чиноз тумани, Пахта қўрғони, «Пахта» нефть базаси.
Мурожаат учун телефонлар: 133-66-29, 133-68-55.
Банкдаги ҳисоб рақамимиз: 20210000804267428001
Инн: 204583138
МФО: 00852 Янгийўл туманидаги Гулбаҳор-Пахта банки.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси «Машина тракторлар паркидан фойдаланиш» кафедраси ассистенти **Лутфинисо ЖЎРАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.